



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 18 август, шанба № 128 (1142)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



МЎЪЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ — ХАЛҚИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКА ШАҲРИДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЯНГИ ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Бугун юртимизда қувончли кун.

Бугун мамлакатимизнинг гурури ва ифтихори, саноатимизнинг етакчи корхонаси бўлмиш «ЎЗДЭУАВТО» заводи конвейеридан замон талабларига ва халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, илғам, илғор дизайн ва техника афзалликлари билан ажралиб турадиган янги русумдаги «Матиз» энгил машиналари чиқа бошлайди.

Барчамиз учун энг улуг, энг азиз айём -

Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётган мана шундай тарихий воқеа билан сиз, азиз ватандошларимиз ва бугунги маросимда қатнашаётган кадрли меҳмонларимизни чин қалбимдан муборакбод этишга руҳсат бергайсиз.

Азиз юртдошлар! Ҳаммамизга маълумки, бундан беш йил муқаддам корейлик ҳамкорларимиз билан биргаликда гўзал ва саховатли Андижон зарминда биз учун мулақо янги тармоқ бўлган Ўзбекистон автомобиль саноати асос солиб, мана шу улкан қўшма корхонани ишга туширган эдик.

Ўша пайтда бундай улкан лойиҳанинг устида ишлаётганимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз, хориждаги ва ўзимиздаги айрим гуруҳ ва одамларга: «Нима, Ўзбекистон жониндаги автомобил ишлаб чиқарадиган тараққий топган йигирма саккиз давлат қаторидан жой олиши мумкинми?», деган шубҳа-ғумон, ишонсизлик пайдо бўлгани, улар бу ҳақда зарда ва истеҳсон билан гапирганлари ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, «ЎЗДЭУАВТО» каби йирик ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш, ички бозоримизни тўлдирадиган ва экспортга мўлжалланган замона-

вий энгил машиналарни ишлаб чиқариш, бу йўлда учрайдиган муаммоларни ҳал қилиш нақадар оғир ва мураккаб иш эканини ҳаммамиз ўз ҳаётий тажрибамизда яхши англаб олдик.

Лекин, шундай қийинчиликларга қарамастан, корхона босиб ўтган беш йиллик қисқа тарихи давомида ўзининг мустақам пойдеворини яратиб, шу вақт ичиде 250 минг автомобиль чиқаргани, дунё бозоридеги мавжуд кучли рақобат шароитида 51 минг энгил машинани экспорт қилгани айниқса эътиборга молиқдир.

Завод фаолиятини локализация қилиш, яъни маҳаллийлаштириш мақсадида бу улкан саноат комплекси бюртмаларини бажарадиган ўттизга яқин янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилгани, минглаб янги иш ўринлари очилгани, бошқача айтганда, мамлакатимизда автомобилсозлик билан боғлиқ мутлақо янги тармоқ, бутун бир инфратузилма яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими, қисқа вақт мобайнида ўз ҳаётини мана шу завод билан боғлаб, нафақат ўз манфаат ва даромадини, балки бахт-саода-

(Давоми 2-бетда).

... Мустақиллигимизнинг бешинчи йили - 1996 йилнинг 19 июли эди ўшанда. Асака шаҳрида Ўзбекистон тарихида мисли қўрилмаган воқеа содир бўлди: замонавий автомобил заводи - «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонаси ишга туширилди. Ўшанда Андижоннинг тиник осмонида кўёш порлаб турарди. Бугун ҳам саратоннинг чароғон кўёши қўчаларни тўлдириб бораётган машиналарнинг ойналарида жилва қилади. Фақат бу манзарада буюк бир ўзгариш бор. Ўша йиллари тасаввур қилиш қийин бўлган манзара: бугун Асака қўчаларида юрган машиналарнинг деярли барчаси Мустақил Ўзбекистон, озод ўзбек мўъжизаси - «Нексия», «Тико», «Дамас»ларидир!

Завод қурилиши бошланганида кўпларга ўзбекларнинг бу иши «хомхаёл» бўлиб туюлган эди. Лекин корхонада ишлаб чиқарилган мазкур машиналар қисқа фурсатда бундай шубҳаю гумонларни пучга чиқарди. «ЎЗДЭУАВТО» маҳсулотлари дарҳол харидорлар эътиборига тушди. Жаҳон бозориде эътироф топди. Ишлаб чиқарилган ҳар бешта машинанинг бири экспорт қилинаётгани ҳам шундан! Завод конвейеридан чиққан икки юз элик мингдан зиёд автомобилнинг элик бир минги бугун хорижий мамлакатлар қўчаларида елиб юрибди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган ишлорнинг ўн йиллигини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётгани муносабати билан ватандошларимизни, меҳмонларни қизгин муборакбод этиди.

Бугунги воқеанинг маъно-маъмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак - бу воқеа, авваламбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир, деди Юртбошимиз. Мамлакатимизда ўнлаб-юзлаб янги корхоналарнинг ишга туширилаётгани, янги технологиялар-

нинг ўзлаштирилиши, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши ҳамкорларимизнинг бизга бераётган қўмағи, ёрдами натижасидир. Бу ҳақиқатни Корея давлати, Корея капиталли, корейлик шеркларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

Юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш тармоғининг ривожланиши илғор техника ва технологияларнинг тилини биладиган, замонавий ишлаб чиқариш усулларини пухта ўзлаштирган муҳандис ва ишчилар, малакали мутахассисларга боғлиқ. Уларсиз бундай корхонани қуриш ҳам, ишлатиш ҳам мумкин бўлмасди. Заводда янги русумдаги машиналарнинг ўзлаштирилаётгани мамлакатимиз салоҳиятининг ошириб бораётганидан далолатдир.

Ўтган беш йил давомида заводда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Завод иш бошлаган кезларда бу ерда юзга яқин корейлик мутахассис ишлаган бўлса, эндиликда улардан беш нафари қолган, холос. Ҳозир бу ерда Жанубий Кореядеги корхоналарда малака оширган, ҳар қандай мураккаб машина ва механизмларни ҳам бошқаришни ўрганган ўзбек ишчилари, технологиянинг соатдек аниқ ишлашига масъул муҳандислар ишламоқда.

Эҳтиёт қисмлар тайёрлашни маҳаллийлаштириш борасида режалар олиб бориладиган ишлар тез орада натижасини кўрсатиши. «ЎзТонхон», «ЎзКорамКо», «ЎзДонгЯнКо», «ЎзДонгЖуПейнт», «ЎзСемЮнКо», «ЎзДонгБонгКо» каби қўшма корхоналарда юсак сифатли бутловчи қисмлар

тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур қўшма корхоналарда бамперлар, ўтиргичлар, шовқин пасайтиргич, электр кабеллари, автомобил бўёқлари тайёрланмоқда. Уларда юзлаб ўзбек ёшлари малакали иш билан таъминланган. Яқинда Жиззахда ишга туширилаётган «ЎзЭксайд» қўшма корхонасида эса машиналаримиз учун аккумуляторлар тайёрланади.

Маҳсулот сифатини ошириш, технологияни ривожлантириш, лойиха-лаштириш ишларини жалдлаштириш борасидаги ишлар эса заводнинг экспорт салоҳиятини янада кўтаришга хизмат қилмоқда. Хусусан, «ЎЗДЭУАВТО» машиналарини ривожланган Фарб давлатларида сотишга имкон берадиган халқаро ISO 9001 сертификати олинди. Таъкидламоқ керакики, «ЎЗДЭУАВТО» МДХ давлатларидаги турдош корхоналар орасида бундай халқаро ҳужжатга эга бўлган ягона заводдир. Шу маҳалгача Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар МДХ ҳамда Болтиқбўйи давлатларигагина экспорт қилинар эди. Энди эса Буюк Британиянинг «МЕКС Комодитис» компанияси билан ҳамкорликда «ЎЗДЭУАВТО» маҳсулотларини Европа, хусусан, Буюк Британия бозорларига чиқариш борасида қизгин иш олиб бориладиган. Британиялик ҳамкорлар келаси йили 6 мингта машина сотиб олишни режалаштирган. 2003 йилга бориб эса ўзбек машиналарининг Буюк Британияга экспорти 30 мингтага етказилади. Табиийки, инглиз импортичи

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА СТИПЕНДИЯЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Талабаларнинг касб билимларини чуқур эгаллашларини рағбатлантириш ва ўзлаштиришини ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, олий ўқув юртларида стипендия тўлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган олий ўқув юртларининг барча талабаларини (хорижий мамлакатлар талабаларидан ташқари) стипендия билан таъминлаш жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, олий ўқув юртларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар тўлов-контракт шаклида ўқитишнинг қиймати миқдорига ҳар ойда тўланадиган стипендия миқдорини албатта киритсинлар.

2. 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари учун стипендияларнинг базавий миқдорлари белги-лансин, талабаларнинг ўзлаштирилишига қараб стипендияларга қуйидаги табақалаштирилган коэф-

стипендия таяинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг амал қилиши Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 253-сон қарорининг 2-бандининг тўртинчи хатбошида кўрсатилган ўқув юртлари ўқувчиларига жорий этилсин, бунда ўқувчилар ва талабалар стипендиялари миқдорларининг илгари амалда бўлган нисбати сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли таълим муассасаларининг 2001 йил учун харажатлар сметасига тегишли ўзгаришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

И.КАРИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 август

Пахтакор шаҳрида истикомат қилувчи Гофур Шомурзаевда ўтган йилнинг августиде тадбиркорликка ҳавас уйғонди. У фирма очишга аҳд қилди. Дастлаб ишлар осон кўчиб, таъсисчи ҳам топилма қолди: Пахтакор туман «Қамолот» ёшлар жамоғармаси уни хомийликка олди.

Ф.Шомурзаев хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасига яхши ният билан «Қамолот-Маҳмуд» деган ном қўйди. Лекин айланма маблағсиз фирма — «ҳеч нарса» эди. Банкдан кредит олиб ишни юриштироқчи бўлган Гофур ноябр ойида елиб-югуриб барча зарур ҳужжатларни тайёрлади.

Ҳужжатлар билан тўла папкани қўлига қисганича, Ташиқтисодий фаолият Миллий банкининг Пахтакор филиалига йўл олди. Банк бўлими бошқарувчисининг ўринбосари К.Эргашев мижозни илиқ қутиб олиб, уни қаршисидаги юмшоқ ўриндиққа таклиф қилган, нақднинг хитой чинни пиласида қўлига чой тутқади.

Муовин у ёқ-бу ёқдан сўхбатлашган бўлди, унга ўз хайрихоҳлигини билдириб, ишига омад тилади ва охирида: «Кредит масаласини албатта ҳал қиламиз», дея қуюқ хайрлади. Эшиккача кузатаркан, «Сиз хабар олиб туринг, албатта ёрдам қиламиз» дея ҳужжатларни олиб қолди...

Бундай илиқ муносабатдан бир қоп семирган Гофурнинг қувончи ичига сизмасди. Шу топда дуч келган ҳар бир кишига:

«Ҳақиқат бор эканку, баъзи озғина кучи етмаганлар банкдан кредит олиш ўлимдан ҳам қийин дейишгани бўҳтон экан. Мана, мени кўринлар» дегиси келарди.

Гофур уйига етиб келгани ва қандай ҳужжатлар топширганини ҳам эслолмади.

— Йўқ, — деди у қатъий оҳангда, — Сизга кредитни ҳужжатсиз беролмайми.

— М... мен ахир б... барча ҳужжатларни шахсан Сизга...

— Менда ҳеч қандай ҳужжат-пужжатиңиз йўқ!

«Кутинг», дейишди банкдагилар. Кутганда вақт ҳам имиллаб ўтаркан. Тадбиркорликка даъвогар банка кўп бор қатнади. Яна «Сабр қилинг» дейишди у ердагилар. «Сабрнинг таги олтин» дея Гофур ҳам қутишда давом этди.

Охири, тоқати тоқ бўлган, ҳужжатларини олиб қолган бошлиқ ўринбосари К.Эргашев ҳузурига кирса, у тўнини ўзгариб олибди... Ўринбосар Гофурнинг қанон кел-

Тадбиркор манфаати — «Ишонч» назоратида

Вилоят адлия бошқармаси аризани кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйганини учун Миллий банк Пахтакор бўлими бошқарувчиси ўринбосари К.Эргашевни интизомий жавобгарликка тортиб келди. Унинг қўлга олган ҳақуқуқини тиклаб беришларини сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Аниқланишича, Миллий банкининг Пахтакор филиали бошқарувчиси ўринбосари ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддалари талабларини бузган. Мазкур қонуннинг 11-моддаси талабига кўра тадбиркорнинг аризаси бир ой ичиде ҳал этилиши, 7-модда талабига кўра эса аризанинг кўриб чиқилиши натижаси фуқарога ўз вақтида маълум қилиниши шарт эди.

«Ишонч» назоратида

Вилоят адлия бошқармаси аризани кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйганини учун Миллий банк Пахтакор бўлими бошқарувчиси ўринбосари К.Эргашевни интизомий жавобгарликка тортиб келди. Унинг қўлга олган ҳақуқуқини тиклаб беришларини сўраб вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Аниқланишича, Миллий банкининг Пахтакор филиали бошқарувчиси ўринбосари ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7, 11-моддалари талабларини бузган. Мазкур қонуннинг 11-моддаси талабига кўра тадбиркорнинг аризаси бир ой ичиде ҳал этилиши, 7-модда талабига кўра эса аризанинг кўриб чиқилиши натижаси фуқарога ўз вақтида маълум қилиниши шарт эди.

А.АБДУРАИМОВ,
Жиззах вилоят Адлия бошқармасининг бўлим mudiri.
А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ - ЁРҚИН ЛАВҲАЛАРДА

Самарқандда республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг кўргазмали тарғибот воситаларининг ислохотлар жараёнини акс эттиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда ижодкорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида «Тасвирий ойна» уюшмасининг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Уюшма бўлимлари томонидан тайёрланган, аҳоли гавжум жойларга ўрнатилган ранг-баранг тасвирий лавҳаларда ислохотлар жараёни, халқимизнинг мустақиллик йилларида амалга ошираётган бунёдкорлик меҳнати, Ватан тимсолари ёрқин акс эттирилмоқда. Шу билан бирга бу борда олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, тасвирий тарғибот таъсирчанлигини ошириш имкониятлари мавжуд. (ЎЗА).

МЎЪЖИЗАНИНГ БУНЁДКОРИ – ХАЛҚИМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АСАКА ШАҲРИДАГИ «ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ЯНГИ ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

тини ҳам шу ерда топаётган ўзбек автомобилсозларининг бутун бир авлоди шаклланиб келаятигани мени айниқса қувонтиради, кўнглимни янги-янги оруз-умидларга тўлдирди.

Менга катта мамнуният, катта қувонч бахш этаётган яна бир нарсашуки, бу заводни қуриш учун айнан Андижон заминини, қадимий Асака шаҳрини танлаганимиз, бамисоли узукка кўз қўйгандек иш бўлганини, замон, вақтнинг ўзи бу қарорнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлаб турибди.

Бунинг натижасида нафақат Асака, балки бутун Андижон қиёфаси тубдан ўзгариб кетгани, бу замонавий корхона одамларимизнинг тафаккурига, бутун вужудига ижобий таъсир этиб, халқимизнинг гурур ва ифтихорини уйғотиб юборгани биз учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Андижоннинг мўтабар заминидан мана шундай мўъжиза каби ноёб корхонани барпо этишда қатнашган, янги ишлаб чиқариш конвейерларини ишга туширишда, юсак янги технологияларни ўзлаштиришда фаол иштирок этган, заводнинг катта-кичик цехларида астойдил меҳнат қилаётган сиз-азизларга, барча қурувчи ва монтажчиларга, муҳандис ва мутахассисларга, ишчи ва хизматчиларга ўзининг самимий миннатдорлигини, чексиз ҳурматини билдириш мен учун катта бахтирдир.

Мана бугун ўзининг бетақорор қиёфаси, шаклу-шамойили билан, куч-қудрати ва замонавий илгор технологияси билан ўзгариб келган «ЎЗДЭУАВТО» корхонасининг қисқа бир вақт - бир ярим йилда барпо этилган янги линиясидан «Матиз» деб ном олган, ҳар томонлама замонавий, харидорбоп энгил машиналар чиқа бошлади - шунинг ўзиёқ бу ишлаб чиқариш корхонасининг истиқболи ва келажиги нақадар мустақам ва ёруғ эканининг далилидир.

Бугунги воқеанинг маъно-маъмунига тўғри баҳо берадиган бўлсак - бу воқеа, авваломбор, юртимизда тинчлик ва осуда ҳаёт ҳукм сураётганининг исботидир.

Бугунги воқеа Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, улар эришган фаровон, эркин ва осод ҳаёт даражасига етиш, ҳеч қимдан кам бўлмасдан яшаш учун қўйётган дастлабки қадамлари, буюк мақсадлар сари қатъият билан бораётганининг амалий тасдиғидир.

Бугунги эришган ёрқин ютуқларимизнинг асосий шарт ва гаровини барчамиз бизга, Ўзбекистонимизга, танлаган тараққий ва ислохотлар дастуримизга хорижий давлатлар, чет эл сармоядорларининг тобора ортиб бораётган ишончи ва умиди самараси, деб қабул қилишимизни истар эдим.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор равишда тобора кучайиб бораётгани, унинг шиддат ва ишончли қадамлар билан ривож

топаётгани, янги технологияларнинг ўзлаштирилиши, мамлакатимизда ўнлаб-ўнлаб янги замонавий корхоналарнинг ишга туширилганлиги - буларнинг барчаси, биринчи навбатда, юртимизга чет эл инвестицияларининг кириб келиши, ҳамкорларимизнинг бизга бераётган кўмаги, ёрдами натижасидир.

Бу ҳақиқатни Корёя давлати, Корёя капиталли, корёялик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз самарасида яққол кўриш мумкин.

Мана шундай замонавий «Нексия», «Дамас», «Тико»лар, бугунги «Матиз» русумли автомобилларни ишлаб чиқарадиган, дунёнинг барча ҳудудларида обрў қозongan улкан заводнинг - бутун боши бир мажмуанинг пайдо бўлиши, бу ҳеч кимга сир эмас - аввало, корёялик ҳамкорларимиз билан, «ДЭУ» корпорацияси билан бошланган ва амалга оширган катта лойиҳанинг ҳосилидир.

Корёя раҳбарияти, Корёя банклари, Корёя бизнес аҳлининг бизга, Ўзбекистонимизга билдирган ишончи натижасидир.

Мен фурсатдан фойдаланиб, аввало, бугунги маросимда иштирок этаётган Корёя Республикаси Савдо вазири жаноб Ду Юн ХВАНГ, «ДЭУ Мотор» компанияси президенти жаноб Жонг Дэ ЛИ, Корёя Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Чанг ХУН ва бошқа азиз дўстларимизга, олис Корёядан келиб, биз билан елкадош бўлиб меҳнат қилган, қувончу таъвишларимизга ҳамма вақт ше-

рик бўлган барча корёйс мутахассисларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз муҳтарам меҳмонларимиздан Корёя Республикаси Президенти Ким Дэ ЖУНГ жанобларига, бутун корёйс халқига самимий салом ва табриklarимизни етказишни илтимос қиламиз.

Хурматли дўстлар!

Ҳар биримиз учун қадрли бўлган истиқлол айёми арафасида янги-янги бино ва иншоотлар, равон йўллар, боғ ва хибобларнинг ишга туширилиши қўтлуғ анъананага айланиб бормоқда.

Бугун бепоён юртимизнинг қайси шаҳар, қайси қишлоғига қадам қўймайлик, кўпга ана шундай мустақиллик иншоотлари бунёд этилганга гувоҳ бўламиз. Уларнинг давлатимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини янада оширишга хизмат қилиши мукаррар.


Ишончим комилки, она Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бундай улғувор ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш таъбир жоиз бўлса, келажимиз пойдеворини яратишга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар биримиз учун улкан шараф, улкан бахтирдир. Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида сўхат-саломатлик, гайрат-шижоат тилайман. Хонадонларингиздан тинчлик-омонлик, файзу борака аримасин, омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин.

(Боши 1-бетда).

лари «Матиз» машиналарига ҳам катта умид боғлаб турибди.

«Матиз» ишлаб чиқариши Ўзбекистонда йўлга қўйиш Асакадаги заводнинг юсак сифат билан ишлаётганлиги туфайлигина мумкин бўлди. Жанубий Корёянинг Экспорт-импорт банки ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа йилига олти миңга «Матиз» ишлаб чиқариш имконини беради. Жорий йил охиригача эса етти миң-та шундай машина тайёрланади. Янги машинанинг саломи «Тико»ниқидан бироз кенг, қуввати ортик, бурилиш бурчаги юқори, ёнилгини кам сарфлайди. Ҳар қандай шароит ва иқлимга бардошли «Матиз»ни бошқариш осон, ташқи кўриниши эса жуда чиройли.

Энг муҳими, «Матиз»ни ишлаб чиқариши бошлаш билан Ўзбекистон автомобилсозлик саноати технологик мустақиллик босқичига қадам қўйди. Айни вақтда «ЎЗДЭУАВТО»да харидорлар меҳрини қозongan «Нексия»нинг такомиллаштирилган варианты - «Нексия-2»ни конвейерга қўйиш борасидаги ишлар давом этмоқда. Бундан ташқари, «ДЭУ Мотор» компания-



си билан мутлақо янги машина ишлаб чиқариш лойиҳаси борасида ҳам келишувга эришилди. Шартли равишда «Т-200» деб номланаётган янги автомобилни 2003 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Халқаро тақдимот ма-

росимида сўзга чиққан Корёя Республикаси делегацияси раҳбари, савдо вазири жаноб Ду Юн Хванг ва «ДЭУ Мотор» компаниясининг президенти Жонг Дэ Ли «ЎЗДЭУАВТО»нинг қурилиши ва муваффақиятли фаолияти мамла-

катларимиз ўртасидаги мустаҳкамланиб бораётган ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин бир нишонини эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қўшма корхона цехларида бўлиб, янги машинанинг яратилиш жараёни билан танишди. Конвейердан чиққан биринчи «Матиз»нинг капотиغا эсдалик учун имзо чекди. Энди бу машина ҳам Президентимиз даст-хати битилган бошқа «қардошлари» - «Нексия», «Тико» ва «Дамас» каби завод музейидан жой олади.

Мусулмон НАМОЗ, ЎЗА мухбири, Д. ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



МАКТАБЛАР ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

2001 йил 30 майда Қорақалпоғiston Республикаси Вазиrлар Кенгаши умумтаълим мактабларини ва таълим-тарбия муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Жойларда қарор ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Элликқалъа туманидаги 69 та умумтаълим мактаби, 13 та боғ-

ча-мактаб, 6 та мактабдан ташқари тарбия муассасаси янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Хомий ташкилотлар ўқув масканларини таъмирлашга 12 миллион 600 миң сўмлик ёрдам берди. Айниқса, «Элтекс», «Элликқалъа олтин толаси», «Эл Нур» ҳиссадорлик жамияти, қатор қурилиш ташкилотларининг кўмаги катта бўлди.

А.ОРТИҚБОЕВ.

Мустақиллик иншоотлари

МАМЛАКАТНИНГ ПЎЛАТ БЕЛБОҒИ

Фузор-Бойсун-Кумқўрғон темир йўли қурилишини ҳақиқий мустақиллик иншооти, мамлакатнинг пўлат белбоғи дейиш мумкин. Денгиз сатҳидан 470 метр балангликдан ўтадиган бу темир йўл Ватанимиз иқтисодий қудратини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Тоғлар орасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Йирик харсангтошлар портлатилиб, йўл қуриш учун жой очилмоқда.

Бунёдкорлик тадбирига мамлакатимиздаги 19 та қурилиш ташкилати, юзлаб техника воситалари жалб этилган. Айниқса, «Ўзбекистонтемирйўллари» акциядорлик компаниясига қарашли электрлаштириш корхонаси монтажчилари, Қорақалпоғистон Республикаси «Кўприққурилиш» трести бунёдкорлари, ўнлаб скреперчи ва бульдозерчилар фидокорона ишлармоқдалар.

Бунёд этилаётган темир йўлнинг узунлиги 220 километрдан иборат. Шундан 106 километри Қашқадарё вилояти ҳудудидан ўтади. У Фузор туманидаги Улуғбек номи ширкат ҳўжалигидан бошланади. Сурхондарё ҳудудида туташиб кетади.

Бундай йирик темир йўл қурилишида тоғутошлар, қир-адирлар, сойлар бағрида 15 та бекат ва 5 та турли ҳажмдаги кўприк барпо этиши, ичимлик суви қурувлари ўрнатиш мўлжалланган. Айни пайтда автомобил йўлини барпо этиш ҳам

давом этмоқда. Темир йўл бўйлаб симёғочлар ўрнатилиб, электр келтирилмоқда.

Шу кунга қадар 57 километр-масофада тупроқ ишлари амалга оширилди. 5 та кўприк қурилди, 60 та сув қувури ўрнатилди.

Улкан иншоотни бунёд этишда қорақалпоғистонлик Э.Аннаев, Ж.Толипов, қашқадарёлик Н.Алимов каби фидойи ишчилар, инженер-техник ходимлар алоҳида гайрат кўрсатмоқдалар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Худойназаровнинг таъкидлашича, Фузор-Бойсун-Кумқўрғон темир йўли битказилгач ундан республикамизга катта иқтисодий фойда келади. Энг муҳими темир йўл ишга тушгач, поевзларнинг Туркменистон Республикаси ҳудуди орқали 193 километрли масофани босиб ўтишига ҳоҳат қолмайди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини кесиб ўтадиган бу йўлдан мустақиллик юлларини ортган улкан паровозлар ҳаракат қиладиган кунлар яқин.

Иззат ҲИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

АҚШ, Япония ҳамда Европа Иттифоқи давлатлари иқтисодидаги турғунлик аста-секин бошқа минтақаларга таъсир кўрсата бошлади.

Анчадан буён Аргентина чуқур иқтисодий инқироз доимдан чиқа олмаётгани тўғрисида гапирилмоқда. Қатор мамлакатлар Аргентинага ёрдам кўрсатиш учун унинг ташқи қарзларидан воз кечиш ёки қайтариш муддатини узайтиришга ҳам рози бўлди. Бироқ, бу билан инқироз сусайиб қолгани йўқ. У қўшни давлатларни ҳам ишғол эта бошлади.

Аргентинадаги иқтисодий танглик Бразилияга юққан бўлса, АҚШдаги вазият инъикоси Жануби-Шарқий Осиё минтақаси давлатларида кузатила бошлади. Аргентина ва Бразилия жойлашган Жанубий Америка минтақаси жаҳон иқтисодиётида Осиёначилик муҳим аҳамият касб этмайдми. Шундай эса-да, кўпчилик хавотирга тушиди. Энди Осиёда иқтисодий ўсиш суръати пасайётгани кўпчиликни жиддий безовта қила бошлади. Кузатувчиларнинг айтишича, XXI асрда «дунё» иқтисодиётининг локомотиви» бўлиши кутилаётган Осиё минтақасида 1997 йилги иқтисодий инқироз қайтарилиши эҳтимолдан холи эмас.

Жануби-Шарқий Осиё давлатларига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан асосийси АҚШда иқтисодий ўсиш суръати пасайиб бораётганидир. Минтақа

давлатлари ўз миллий валютасини АҚШ долларига «боғлаб» қўйган, ёки ўз маҳсулотининг асосий қисмини АҚШга экспорт қилади. Хусусан, ялпи ички маҳ-

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ЯНА ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

сулотининг 70 фоизи экспортга тўғри келувчи Малайзия ва Сингапур ҳамда бу борадаги кўрсаткичи 50 фоизи ташкил қилувчи Тайланд ҳамда Филиппиндан четга чиқаётган маҳсулотларнинг тенг ярми АҚШга боради. Шундай экан, АҚШдаги вазият, хусусан, компьютер ва маиший электроникага талаб камайиши ўз-ўзидан ўша технологияларни ишлаб чиқарувчи Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси давлатларини танг ахволга солиб қўйди.

Минтақа давлатлари 1997 йилги инқироздан сўнг иқтисодиётда жиддий ислохотларни амалга оширди. Ушанда инқироз қим-

Шарҳловчи минбари

матли қоғозлар бозорларидаги олибсатарларнинг минтақа давлатлари валюталарини қадрсизлантириши туфайли келиб чиққанди. Шундан сўнг, айрим давлатлар миллий валютасини бошқа бақувватроқ пулга «боғлаб»

қўйишга мажбур бўлганди. Инқироз сабаблари ўрганилиб, келажакда яна такрорланмаслиги учун қатор қонунлар жорий этилди. Бироқ, вақт ўтгани сайин минтақадаги вазият яна издан чиқа бошлади. Хусусан, қимматли қоғозлар бозорларидаги операциялар сони кескин камайиб кетди ва бу туфайли қимматли қоғозлар нархи мунтазам равишда пасайиб бормоқда. Ишсизлик даражаси ҳам ошмоқда. Хабарларга кўра, биргина Филиппин пойтахти Манилада шу йилнинг май ойида 30 миң киши ишдан бўшатирилган. Бу жараён ҳали тўхтагани йўқ. Иқтисодий ўсиш даража-

си пасайиб борапти. Шулар оқибатида минтақага сармоя киритган хорижий ишбилармонлар ўз маблағини олиб чиқиш кетиш пайига тушиб қолган.

Минтақадаги биргина истисно Хитойдир. Унинг иқтисодиёти мисли қўрилмаган суръат билан ривожланишда давом этмоқда. Хисоб-китобларга кўра, Хитой 2001 йилда ҳам етти фоизлик иқтисодий ўсишга эришиши мумкин. Иқтисодчилар бунинг бир неча омилли борлигини айтмоқда. Биринчидан, Хитой иқтисодиёти экспортга тўлиқ боғлиқ эмас. Иккинчидан, глобализув жараёни бу давлатни ҳали тўлалигича «ютиб юборгани» йўқ. Қолаверса, Хитойда ички бозор ниҳоятда катталиги боис ишлаб чиқарилган маҳсулотни четга чиқармасдан ҳам фойда кўравериш мумкин.

Минтақадаги аҳволни кузатиб бораётган иқтисодчилар, вазиятнинг қандай ўнлаш мумкин, деган саволга, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турини кўпайтириши ва бутун диққат-эътиборни экспортга эмас, ички бозорни ривожлантиришга қаратиши керак, деб жавоб бермоқда.

Бобур СОБИРОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ўтказиши керак.

«Дифенс ньюс» газетасининг ёзишича, АҚШ маъмурияти Фарбий Европада хизмат қилаётган 15 миң америкалик ҳарбий хизматчини ватанига қайтармоқчи. Шунингдек, битта авиабаза ҳам ёпилади. Бундан тежалган маблағ эса, ракетадан мудофаа тизимини яратиш дастури ижросини тезлаштиришга йўналтирилади.

Хиндистоннинг Тамилнад штатидаги портловчи

модда ишлаб чиқарадиган заводда портлаш рўй берди. Натижада ўлтизга яқин ишчи ҳалок бўлди. Маҳаллий ҳокимият маъмуриятининг айтишича, ҳозиргача вайрона тагидан тўрт кишининг жасади олиб чиқилган. Портлаш сабаблари ҳали номалум.

Скопьеда Македония ҳукумати билан албан айирмачилар ўртасида тинчлик

битими имзоланди. Шу муносабат билан БМТ махсус баёнот эълон қилди. Унда Кофи Аннан Македонияда имзоланган тинчлик битимини қўллаб-қувватлашини билдирган. Шунингдек, АҚШ президенти Жорж Буш ҳам олти ойлик қаранма-қаршиллик чек қўювчи ушбу ҳужжатни маъқуллади.

NIMAGAP

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА ЁШ РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб Янгийўл шаҳрида ёш rassomлар асарларининг «Истиклол жилolari» мавзусида кўргазмасини ташкил этди.

Тўрт йил муқаддам Бадиий академия таркибида Камолдин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институти ташкил этилган эди. Институт таламаларининг турли услуб ва йўналишдаги ранг-баранг асарлари нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ташкил этилаётган халқаро кўргазмалардан ҳам муносиб ўрин олмақда. Республикаимизнинг та-никли rassom ва санъатшуносларидан сабоқ олаётган ёш истеъодларнинг истиқлол йилларидаги улкан ўзгаришлар, миллий қадриятларимизга эҳтиром акс этган ишлари, айниқса эътиборга лойиқ. Кўргазмада талаба rassomларнинг рангтаъсир ва графика жанрида яратилган асарларидан намуналар намойиш этилмоқда.

Б. МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ПЛАСТИК КАРТОЧКА

қулай ва ишончли

— Ҳозир Термиз шаҳрида истиқомат қиламан, - дейди хусусий тадбиркор Баҳром Содиков. — Лекин тижорат ишлари билан Тошкент шаҳрига тез-тез қатнаб тураман. Шу боис ўзим билан кўп миқдорда нақд пул олиб юришимга тўғри келади. Яқинда Халқ банки янги «Ишонч карт» пластик картотчаларини жорий қилганини эшитиб қолдим. Шундан сўнг 21 минг сўм қимматли пластик картотчага эга бўлдим. Орадан кўп вақт ўтмай пойтахтдаги «Отчопар» бозорида жойлашган ушбу банк бўлимига кириб, ҳеч муаммосиз 20 минг сўм нақд пул олдим.

— Мен ҳам Халқ банкининг Термиз шаҳар бўлимига 500 минг сўм топшириб, пластик картотча олган эдим, — дея сўхбатни давом эттирди тижоратчи Хусниддин Саматов. — Бир кун ўтиши билан Тошкент шаҳрида маблағимни нақд пулга айлантириб, бозор — ўчар қилиб қайтдим. Эндиликда айланма пулимни пластик картотчада сақлайман. Чунки катта пулни уйда сақлаш ёки у ёқдан бу ёққа олиб юриш биз учун жуда ноқулай.

Бундай мисолларни юқоридаги банк фаолиятини кўриб келтириш мумкин. Нимага деганда, «Ишонч карт» пластик картотчалари бўйича ҳисоб рақамини очган миждоз Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимида ҳеч бир муаммосиз нақд ёки нақд пулсиз қирим-чиқим муомаласини амалга ошириши мумкин. Фақат бунда чиқимдан кейин миждоз ҳисобидида қандамда 1000 сўм маблағ қолиши керак. Шу билан бирга омонатга қирим қилиш миқдори чегараланмаган.

«Ишонч карт» пластик картотчаларининг амал қилиш муддати икки йил бўлиб, уни яна узайтириш учун миждоз Халқ банкининг картотча билан шуғулланганидан бўлимига мурожаат этиши лозим. Бундан ташқари мазкур картотчалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда васиятномани расмийлаштириш мумкин. Ишончнома бундан мустасно. Яна бир янгилик — пластик картотчаларда сақланаётган пул маблағлари йиллик 20 фоиз миқдорда даромад тўланади.

Ҳа, кейинги пайларда Халқ банки, хусусан, унинг Сурхондарё вилоят бошқармасида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилиш борасида кўплаб ишлар қилинди. Гапимиз куруқ бўлмаслиги учун бунга яна бир неча мисоллар келтирсак.

Шу йилнинг 1 мартдан йўлга қўйилган «Аср совғаси» омонати 3, 6, 9, 12 ой муддатларга қабул қилиниб, қирим бадала 5 минг сўмдир. Бу омонат турига 22 фоизгача да-

ромад тўланади. Муддат тугагандан сўнг миждоз хоҳишига кўра у узайтирилиши мумкин. Бунда олдинги муддат учун омонатчи томонидан фоизлар тўлиқ олинади.

«Кексалик гашти» мақсадли омонатда аҳолининг 50 ва ундан юқори ёшдаги табақалари 10 йил муддатга маблағ қўядилар. Улар ҳар ойда узлуксиз 1500 сўмдан қирим қилиб борадилар. Бунда миждоз хоҳишига кўра маблағ келгуси ойлар учун олдиндан тўлаб қўйилиши мумкин. Миждоз томонидан омонат шартлари тўлиқ бажарилганда унинг охириги қолдигига 100 фоиз қўшимча даромад тўланади.

Банкда «Оналар ва болалар» йили муносабати билан «Бахтли болалик» омонати жорий қилинди. Ушбу омонат фақат 2 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, қариндошлик муносабатларидан қатъи назар ҳар қандай шахс томонидан нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Бола 2 ёшга етгунга қадар омонатчи томонидан ҳар ойда узлуксиз равишда 1000 сўмдан қирим қилиб борилади. Бола 16 ёшга тўлганда ва омонат шартлари тўлиқ бажарилганда охириги қолдигига 100 фоиз қўшимча даромад тўланади.

Жорий йилнинг 1 июлидан йўлга қўйилган «Кафолат» қисқа муддатли депозит омонати 6 ой муддатга қабул қилинади ва ойига 2 фоиз, 6 ой учун 12 фоиз фойда тўланади. Бунда биринчи қирим бадала 10000 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Нақд пул омонатчи ёки унинг вакили томонидан ҳисоб рақамга қирим қилинади. Шунинг билан бир қаторда ушбу омонатга қўшимча бадалларни қирим қилиш маъна этилади. Миждоз омонатнинг сақлаш муддати тугагунга қадар ойлик фоиз даромадларини олиб туради.

«Абитуриент» мақсадли омонат эгаси эса республикада фаолият кўрсатаётган барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига контракт асосида ўқишга қабул қилинган тақдирда ва билим олаётган даврда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда олий ўқув юртилари талабалари, абитуриентлари учун энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан кам бўлмаган, ўрта махсус ўқув юртилари талабалари, абитуриентларига эса энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан кам бўлмаган миқдорда пул қабул қилинади. Бу омонат тури нақд ёки пул ўтказиш йўли билан очилиб, йиллик фоиз даромади тўланади. Бунинг учун қирим қилиш миқдори чегараланмаган.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Келагагимиз бўлган болажонларимизнинг сўлим оромгоҳларда мазмунли дам олишини ташкил этиш Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши, унинг жойлардаги ташкилотлари диққат марказида бўлмоқда.



МУНОСИБ ТУҲФА

Қорақалпоғистонда энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бир қанча иншоотлар фойдаланишга топширилди. Замон талабига мослаб қайта таъмирланаётган Нукус темирйўл вокзали шундай иншоотлардан. «Ёнбошсувқурилиш» акционерлик жамияти бунёдкорлари бу ерда 250 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

— Темирйўл вокзалини Мустақиллик байрами кунини фойдаланишга топширамиз, — дейди «Ёнбошсувқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли қурилиш бошқармаси бошлиғи Р.Алишеров. — Ҳозир сўнгги пардозлаш ишларини бажаряпмиз. Иморатни Хива мейморчилик мактаби устаслари шарқона услубда безамоқда. Таъмирлашда Голландия, Бельгия ва Туркиядан келтирилган қурилиш материалларидан фойдаландик.

Қутиш заллари, чип-тахоналар, юк сақлаш оморлари, ошхона ва ресторан дид билан таъмирланди. Бу ерда йўловчиларга замонавий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Байрам арафасида қорақалпоғистонликлар ва юрти-миз меҳмонлари ана шундай хизматдан баҳраманд бўлади.

(ЎЗА).

Ёзги дам — йил бўйи ҳамдам

«ПАХТАКОР»НИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Жумладан, Жиззах вилоят касабаси уюшмалари бўлган оромгоҳларда мазмунли дам олишини ташкил этиш Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши, унинг жойлардаги ташкилотлари диққат марказида бўлмоқда.

Оромгоҳимизда, — дейди «Пахтакор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари, тажрибали педагог Баҳром Аширматов, — болалар ҳордиги учун барча шароитлар яратилган. Оромгоҳимиз санаторий типидоғи маскан бўлиб, бу ерда болалар дам олиш билан бир қаторда даволанадилар ҳам. Болажонларимизга маълум шифокор ва ҳамширалар хизмат қилмоқда.

Биз ушбу оромгоҳда бўлганимизда, унинг раҳбари айтган гапларнинг тасдиғини кўрдик. Оромгоҳ зарур доридармон воситалари, турли тиббиёт ускуналари билан таъминланган. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, оромгоҳ болалари табиий доридармонлар, яъни гиёҳлардан тайёрланган шарбатларини ҳам истеъмол қилдилар.


Дам олувчилар учун «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилган бўлиб, у ҳамма гавжум. Бир неча йилдан бери оромгоҳ вилоят кутубхонаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ерда вилоят кутубхонасининг бўлим мудираси Хафизахон Қудратова раҳбарлигида кўча кутубхона ташкил қилинди.

Сирасини айтганда, «Жиззахпахтасаноат» ҳиссасдорлик жамиятига қарашли «Пахтакор» оромгоҳида фарзандларимизнинг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Соя-салқин майдонда кенг давра олган болалар ва қизалоқларнинг кўлиги ва қийқириқлари оромгоҳдан ташқарида ҳам эшитилди. Улар бугун «Истеъдод» кўрик-танловида иштирок этишяпти. Ширмонбулоқлик Акрамжон исми бола бўлб бўлиб сайраганда, дарахтдаги қушлар ҳам жимиб қолди. Хўжайли туманидан келган Худойберган деган ўсмир кичик бир достонни ёд ўқиб, ҳамма-ни хайратга солди. Андижон туманилик Севарахон қаратғчи экан: бус-бутун пишиқ гиштани жажжи қўли билан бир ўриб, иккига бўлиб ташлади. Ҳаммасидан ҳам избосканлик Хуршидабонунинг рақси барчага маъқул тушди: у «Дилхирож»га хиром этганда, барча қарсақ чалиб, истеъдодига тан берди.

Хонобод шаҳридаги «Нур» оромгоҳида болаларнинг ёзги таътил кунлари чиндан ҳам фароҳбахш, ҳаяжонли ва сермазмун ўтмоқда. Мавсумнинг дастлабки икки навбатида бу ерда 600 нафар ўқувчи ҳордик чиқарган ва соғлиғини тиклаб кетган эди. Ҳозир ҳам меҳнатқашларнинг 300 нафар фарзанди оромгоҳ бағрида яйраяпти. Оролбўйидан келган болаларнинг қувончи, айнқиқса чексиз. Мураббий Дилбархон Жумакаеванинг ибораси билан айтганда, «Улар ўзларини Боғи



«ДИЛХИРОЖ»ГА ХИРОМ ЭТГАНДА

Эрамга тушиб қолгандек ҳис қилаётдилар. Оромгоҳдагилар зебрикиш нималигини билишмайди. Бу ерда турли ўйинлар, учрашувлар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилаётди. Маънавият хонаси, тиббий хизмат, кутубхона, дам

олиш хоналари ишлаб турибди. Касб-хунар тўғрисидаги мавжуд болалар тез-тез саёхатга ҳам чиқадилар. Кампирравотнинг ўзи бир тарих, Хонобод шаҳри, спорт мусобақалари Фозилмон қишлоғи, гул ва арчалар билан қопланган тоғ-адирлар, осма йўллари, Андижон ГЭСининг хушманзара атрофлари, оби ҳаёт тақсимлаш иншооти... Буларнинг ҳар бири ўқувчилар учун қизиқарли бир китоб. Хонободнинг боғ ва хиёбонларида шундай анвойи гул ва дарахтлар ўсаяптики, уларнинг баъзиларини Марказий Осиёнинг бошқа бирор ерида учратиб қийин.

Оролбўйидан келган ўғил-қизлар Андижонда

ўзлари учун янги олам очгандай бўлдилар. Оромгоҳда орттирган дўстлари улар учун ҳаммасидан азиз. Маҳаллий болалар ҳам меҳмонлар табиатидаги самимийликни, дилқашликни, она ерга муҳаббат ва миллий қадриятларга эҳтиромни кўриб, биринчи кунларданок дўстлашиб қолаётдилар.

— Болаларнинг ўз саломатликларини тиклаб, мириқиб дам олишлари ҳамда катта маънавий озиқ олиб кетишлари учун бизда ҳамма шарт-шароит муҳайё. Оролбўйи ўқувчилари ва уларнинг мураббийлари номидан келаётган мактабларда, бу ердан катта таассуротлар билан қайтганлари баён этиляпти, чинакам меҳмондўстлик ва гамхўрлик учун кексиз миннатдорчилик билдиришяпти. Бу бизга келгуси мавсумга тайёргарлик кўришимизда куч-ғайрат бағишлайди, — дейди оромгоҳ бошлиғи Абдурашул Тешабоев.

М.АБДУКАРИМОВ.

ГРАНТ-СОҲИБЛАРИ КЎПАЙДИ

Ўзбекистон-Япония марказида Япония ҳукумати-Япония кичик ҳажмдаги лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида грант-шартномалар имзоланди.

Уларга Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Киоко Накаяма ҳамда грант соҳиблари бўлган ташкилотлар вакиллари имзо чекди.

Умумий қиймати қарийб 184 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур грантлар тиббиёт ва таълим соҳаларига тегишли лойиҳалар учун берилди. Бу лойиҳалар мамлакатимиздаги айрим мактаблар ва тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашни кўзда тулади.

(ЎЗА).

Бундан бир неча йил олдин бўлиб ўтган бир воқеа ҳамон ёдимда. Бошланғич касабаси уюшма ташкилотиди ҳисобот ва сайлов йиғилиши келарди. Сўзга чиққан нотик қизик бир саволни ўртага ташлади.

— Касаба уюшма қўмитаси аъзолари, унинг раиси ҳисобот даврида яхши ишлашди. Лекин касаба уюшма аъзоларини? Уларнинг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин. Назаримда бизлар бироз суст-кашликка йўл қўйдик. Буни албатта тан олишимиз керак. Чунки жамоа шартномаси тузилаётганда озми-кўпми ўз тақлифларимизни бердик. Лекин унинг ижросига келганда бизда фаоллик этишмади.

Шу пайт зарда жонланмиш юз берди. Нотик ўз сўзида давом этарди.

— Мана масалан, жамоа шартномасининг бажарилишини олайлик. Ҳаммамизга маълумки унда асосан ишчи-хизматчиларимизни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, қўшимча имтиёзлар бериш ўз ақсини топган. Демак, жамоа шартномаси шундай ҳужжатки, унинг тўлақонли тузилишига ҳам, бажарилишига ҳам барчамиз бирдек масъулмиз.

Мен сўзга чиққан нотикнинг ушбу фикрига тўла-тўқис қўшилгандим. Кунин-кеча Республика Агрисаноат мажмуи хо-

димлари касаба уюшма си Марказий қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида ҳам Андижон вилоят тармоқ касаба уюшма ташкилотларида жамоа шартномалари ва битимларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда тузиш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Вилоят ҳамда туман қўмиталарининг ҳокимлик ва сув ҳўжалиги бошқармалари, бошланғич касабаси уюшма ташкилотларининг корхона, муассасалари ҳамда ўқув юртилари билан тузган битим ва шартномалари бевосита иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, меҳнатқашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатларда меҳнатқашларни маънавий рағбатлантириш, бозор иқтисодиёти шартини жамоаларда юзага келган иқтисодий муаммоларни иш берувчилар билан биргаликда бартараф этишга ҳам алоҳида урғу берилган. Далилларга мурожаат этайлик. Вилоят касаба уюшма қўмитаси ўз навбатида агрисаноат мажмуи тармоғида фаолият кўрсатувчи 12 та вилоят

ташкilotи ҳамда идоралари билан ижтимоий шерикчиликка асосланган битимлар тузган. Унга асосан меҳнатқашлар учун турли имтиёзлар яратиб берилмоқда. Масалан, «Андижондунмаҳсулотлари» ва «Андижонёғмай» ҳиссасдорлик жамиятлари маъмуриятлари

ЭГИЗАК БИТИМЛАР уларда тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган

вилоят клиник касалхонасида ишчи-хизматчиларнинг бепул даволанишлари учун 1 миллион сўмдан маблағ ажратиб бердилар. Ўз навбатида «Андижонгўшт», «Ризқ» ҳиссасдорлик жамиятлари, вилоят ўрмон ҳўжалиги ва кўпчилик туман қўмиталари тасарруфидаги ташкилот, корхона ва ширкат ҳўжаликларида меҳнатқашларнинг даволанишлари учун сарф-ҳаражатларнинг 50 дан 100 фоизигача маъмуриятлар томонидан қопланди.

Асака туманидаги «Навбахор», «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат ҳўжаликларида биргина модда ёрдамнинг ўзига 500 минг сўмдан зиёд, «Асакадон», «Асакаёв» ҳиссасдорлик жамиятларида эса 2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Мазкур тумандаги мавжуд 8500

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

та ширкат ҳўжалигида меҳнат қилувчи ҳар бир аъзони ижтимоий ҳимоялашга ўрта ҳисобда 4820 сўмдан маблағ ажратилган.

Тармоққа қарашли «Машъал» болалар ором-

сўмдан пул сарфланган. Афсуски, жамоа шартномаларининг бажарилиши айрим ташкилотларда талаб даражасида эмас. Текширишлар натижасида 220 та ташкилот, муассаса ҳамда корхонада меҳ-

нат ҳақидаги қонун меъёлари ва атроф-муҳит муҳофазаси қонунларининг бузилиши ҳолатлари аниқланди. Яна бир мисол. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, «Агротехсервис», «Пахта-санот» ҳиссасдорлик бирлашмаси, Ер ресурслари вилоят бошқармаси, «Андижондунмаҳсулотлари» ҳиссасдорлик бирлашмаси ҳамда Ўрмон ҳўжалиги билан тузилган битимларнинг матни эгизак-дег айнаб бир хил бўлиб, уларда тармоқларнинг ўзларига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Асака туман қўмитасида ҳам ҳудудий келишувларнинг бажарилишини назорат қилиш ишлари умуман амалга оширилмаган. Шу билан бирга келишувда кўрсатиб

ўтилганидек, қонунга хилоф равишда унинг бажарилиши бўйича ўтган йилларнинг якуни тахлил этилмаган. Бунинг устига кейинги икки йил давомида қўмита раёсатида ижтимоий-иқтисодий муаммоларга оид бирорта масала кўриб чиқилмаган. Иш шу даражада бориб етганки, вилоят қўмитасига топширилган ҳисоботда тумандаги барча юридик шахслар жамоа шартномалари билан қарамб олинганлиги кўрсатилган. Амалда эса тумандаги 6 та корхона, ташкилот, муассасада жамоат шартномалари умуман қабул қилинмаган.

«Бўз пахта тозалаш» ҳиссасдорлик жамиятида ҳам жамоа шартномаларининг бажарилишига эътибор суст. Масалан, бу ерда Меҳнат Кодексининг 158-моддасига зид равишда ёрдамчи цехлар, ўт ўчирувчилар, мавсумий ишчиларга тунги вақтда ишлаганликлари учун 50 фоиз ўрнига, атиги 35 фоиз устама ҳақ жорий этилган, ҳолос. Устига устак Меҳнат Кодексининг айрим муҳим моддалари талаблари ҳам жамоа шартномасида ўз ақсини топмаган. Мазкур корхонада тузилган жамоа шартномасида шундай

камчиликларни яна кўплаб учратиб мумкин. Ажабланарлиси, мазкур ҳужжатдаги айрим камчиликларга қарамасдан туман Агрисаноат мажмуи ҳодимлари қўмитасида уни экспертиза қилишганда ҳеч қандай эътироз билдирмаган ҳолда рўйхатдан ўтказиб юришаверган.


Шуни ҳам эътироф этиш кераки, кейинги вақтда жамоа шартномалари ва битимлар бердадиган имкониятлардан касаба уюшма ташкилотлари тўла фойдаланишга эга йўқ. Уларнинг аксарияти ҳали ҳам эски усулда тузилоқда. Нима, бу лоқайдликми ёки кўзбўямачилик? Жамоа шартномалари ва битимлари меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида биз камчиликларини тилга олиб ўтган корхона, ташкилотлар бу муҳим ишга муносабатини туддан ўзгартиришлари зарур. Зеро, бу давр касаба уюшма ташкилотлари олдида қўяётган энг долзарб вазифалардан биридир.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.

БИЗ ТУШБАН КЕМА

(Парча)

Истиқлол,
Истиқлол,
Истиқлол!
Сен — гайрат,
Сен — шиддат,
Сен — Иқбол.
Қайдасан?
Кўрин!
Доб
Наъра солайлик.
Излаш ҳам Истиқлол шарофатидан.
Йўқотганимизни
Топиб олайлик
Буюк аждодларнинг урф-одатидан.



Яшасин Қардошлик риштаси!
Масофа,
Иқлимни билмайди:
Замҳарир сентябр бўсағасида
Ўзбекистон руҳи жилмайди...

Давос умумдунё анжуманида
Баралла янградга юртимдан калом:
Худуди Францияга тенг,
Дафинаси жавоҳир, денг,
Тупроғида пахта
Ва юз хил ризқ-таом!..

Ўтмиш билан бугун шу қадар яқин,
Макон —
Мўъжизалар сари юз бурди.
Эллар олқишлашар,
Ётлар мум тишлашар,
Ҳавас билан боқар кекса-ёш.
Қаранг, бири — кўкда,
Қаранг, бири — ерда,
Жилмайиб турибди икки ҳур Кўёш...

Қавми ҳам...
Чинқиди,
Чархланди,
Пишди —
Даврининг шиддаткор қайроғи билан.
Шу йил
«А-310» аэробуси учди
Ғолиб Ўзбекистон байроғи билан.
«Боинг» олдиқ яхши кунларга атаб:
Эргашмоқ ҳам лозим баъзан Буюкка.
Ҳали қараб туринг...
Шу Бизнинг Ватан
Жасур
Лочинларин учирар кўкка!..

Низомжон ПАРДА.



Қарши ижтимоий педагогика коллежи кадр тайёрлашда олдинги ўринларда бормоқда. Бу йил ҳам 9 йўналиш бўйича 225 нафар талабани ўз қучоғига олди. Уларга тажрибали мураббийлар кўргазмали қуроллар билан дарс берилади. Талабаларнинг чуқур билим олишлари учун барча имкониятлар етарли.

Суратда: ўқитувчи Тиловиқдин Йўлдошев талабалар билан мулоқот чоғида.

Ш.СУЛТОН олган сурат.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ




Бибихоним таваллудининг 600 йиллиги олдидан

МАҚБАРА МАҲОБАТ ОЧМОҚДА

Бибихоним мақбарасида белгиланган 30 миллион сўмлик таъмирлаш ишларининг 14 миллион сўмга яқини бажариб қўйилди.

«Меъмор» ва «Усто» ёдгорликларини таъмирлаш бирлашмалари кўли гул усталари бу ерда фаол иштирок этишяпти. Шунингдек, шаҳар қорхона ва ташкилотларидан ҳашарчилар ҳам ҳар кун ирдамга чиқишяпти. Мақбара пештоқи ва деворларининг асосий қисми таъмирдан чиқарилди.

— 17-ғишт заводи ва «Нодир» кичик қорхонасининг ғишларидан унумли фойдаланаяпмиз, — деди уста Фазлиддин Камолов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Мақбаранинг ички қисмидаги кошкорлик ва ганҷкорлик ишларининг асосий қисмини яқунладик. Таъмирлашни Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги кунига тугатиш ниятидамиз.



Бу ажиб дунё

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ХІХ асрнинг охирига келиб дунёнинг икки бурчагида бир-бирдан беҳабар ҳолда икки киши замонавий телевидениенинг фундаментал асосини яратиб беришга бел боғладилар. Булар рус биолоғи Бахметев ва француз Анрлан ди Пайвалар эди. Улар мустақил равишда тасвири алоҳида нуқталар ёки белгиларга ажратиш кераклиги тўғрисидаги ғояни илгари сурадилар. Бахметев томонидан ишлаб чиқилган тизимга «телефотограф» номи берилди. Унинг таклифларини ўрганиб чиққан польшалик Павел Нитков тасвири айландурич лаппак орқали нуқталарга бўлиш устида бош қотарилади. Лаппак айлана бўйлаб жойлашган тешикчалар кўринишини олиши керак эди.

«Нитков лаппаги» номи оланган мазкур мослама 1884 йилда патентлаштирилади. Ачинарлиси шундаки, талабалик пайтидаёқ иттиро учун патент олган Павел кейинчалик ўз ихтиросини унутиб юборади.

1900 йил Парижда электр токи бўйича ўтаётган биринчи халқаро анжуманда артеллерия академияси электротехника кафедраси ўқитувчиси, рус кўшинлари штаб капитани Перски ўз нутқида илк бор «телевидение» атамасини ишлатди. Унинг маъноси эса «кўзюқи кўриш» эди.

Катод трубка, яъни электрон нур трубканинг ўзи англиялик олим Крукс томонидан яратилган бўлиб, кейинчалик у немис олими

Браун томонидан тақомиллаштирилди. Розин киритган ангиллик шундан иборат эдики, у электр сигналларининг ёруқ нуқталарига ўзгариш схемаси — катод трубкани олиб кирди. Нур катод трубканинг орқа девори, яъни экран орқали ҳаракат қилиб, секундининг ҳар бўлағида бир кичик нуқта-ни ёритар эди. Лекин нур ҳаракат тезлиги 300.000 км.свқ.лигини инобатга олсак, экранда нима учун

TVнинг ЯРАЛИШИ

бир нуқта эмас, балки бутун бир кадрни кўраётганимиз тушунарли бўлади. Бизнинг давргача деярли ўзгаришсиз этиб келган Розинг усули электрон телевидениенинг замонавий асосини ташкил этади. Шунинг билан Розинг 1911 йилнинг 9 майида тарихда битинчи марта тасвири масофага узатди.

Тошкентдаги илк телевизион узатувчи ва қабул қилувчи мослама ХХ асрнинг 20 йилларида УДУнинг физика факультетининг да лейоҳалаштирилган бўлиб, уни илмий ходим Грабовский амалга оширган эди. Грабовский Розингнинг ишлари билан қизиқиб қолади ва Белянский билан ҳамкорликда у тасвирлаган аппаратни яратишга киришади. Барча қийинчилик ва материалларнинг танқислигига қарамадан Грабовский бу

мураккаб техник масалани ечишга муваффақ бўлди. У ясаган телевизор экранининг катталлиги тахминан гугурт қўтисидай келарди. Бир одам ташқарида бош қийимини ечиб қияр, буни хонадагилар телевизор орқали яққол кўрарди. Дунёдаги энг биринчи электрон телевидение кўрсатувларидан бири шу тарзда намойиш қилинди. Албатта, у пайтда бу кўрсатув овозсиз эди. Лекин асосий ютуқ шунда эдики,

мураккаб техник масалани ечишга муваффақ бўлди. У ясаган телевизор экранининг катталлиги тахминан гугурт қўтисидай келарди. Бир одам ташқарида бош қийимини ечиб қияр, буни хонадагилар телевизор орқали яққол кўрарди. Дунёдаги энг биринчи электрон телевидение кўрсатувларидан бири шу тарзда намойиш қилинди. Албатта, у пайтда бу кўрсатув овозсиз эди. Лекин асосий ютуқ шунда эдики,

мураккаб техник масалани ечишга муваффақ бўлди. У ясаган телевизор экранининг катталлиги тахминан гугурт қўтисидай келарди. Бир одам ташқарида бош қийимини ечиб қияр, буни хонадагилар телевизор орқали яққол кўрарди. Дунёдаги энг биринчи электрон телевидение кўрсатувларидан бири шу тарзда намойиш қилинди. Албатта, у пайтда бу кўрсатув овозсиз эди. Лекин асосий ютуқ шунда эдики,

мураккаб техник масалани ечишга муваффақ бўлди. У ясаган телевизор экранининг катталлиги тахминан гугурт қўтисидай келарди. Бир одам ташқарида бош қийимини ечиб қияр, буни хонадагилар телевизор орқали яққол кўрарди. Дунёдаги энг биринчи электрон телевидение кўрсатувларидан бири шу тарзда намойиш қилинди. Албатта, у пайтда бу кўрсатув овозсиз эди. Лекин асосий ютуқ шунда эдики,

мураккаб техник масалани ечишга муваффақ бўлди. У ясаган телевизор экранининг катталлиги тахминан гугурт қўтисидай келарди. Бир одам ташқарида бош қийимини ечиб қияр, буни хонадагилар телевизор орқали яққол кўрарди. Дунёдаги энг биринчи электрон телевидение кўрсатувларидан бири шу тарзда намойиш қилинди. Албатта, у пайтда бу кўрсатув овозсиз эди. Лекин асосий ютуқ шунда эдики,

ҲИКМАТ

Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам тугилишданоқ ўз маконларини билдилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёларини ҳис қиладилар, ҳатто болари ва шунга ўхшашлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар, — шунинг каби одамлар ҳам қаерда тугилиб парварши топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар.

Ф.СКОРИНА.

НИМ ТАБАССУМ

Столнинг устига туфлиси билан чиқиб, лампочкани алмаштираётган эрига хотини зарда қилди:

— Оёғингиз тагига ҳеч бўлмаса газета тўшамасизми?

— И-э. Шувис ҳам кўлим лампочкага етаяпти-ку! — деди содда эр.

— Дадажон, биз ҳам кондиционер олиб, уйимизни совитайлик, — деб илтимос қилди қизалоқ отасига.

— Қизим, онанг иккимизнинг орамизга тушган совуқлик бутун бир ёзга этиб ортади.

— Бекорчи Ишқамсов, сизнинг фикрларингизни қўллаб-қувватлайман.

— Қўйсангизчи! Ундай бўлса мен худлик билан фикрларимни ўзгартираман.

— Нима учун бозорларда ҳамма нарсалар сотилади-ю, ақл сотилмайди?

— Сотилмаганига ҳам шукур қил! Бўлмаса сенга ўхшаганларнинг нархи арзонлашиб кетган бўлар эди-да!...

— Шокиржон, нега йиғлаяпсан?

— Ойим дадамга «туя» деди. Дадам эса «Сен олашаққасан» деди.

— Хўп, сенга нима! — Унда, мен кимман?

Аннамурад ЖУМАҚУЛИЕВ.

5-Таксисарой ОТАЖ маъмурияти ўз акционерларига навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш 24 август кунини соат 10.00 да Арнасай кўчаси 7а уйда ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-рақамли Қарорига мувофиқ 5-Таксисарой ОТАЖ Низомига ўзгартиришлар киритиш.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари С.Искандарова умрдоши **Зухра ЮСУПОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МАҲАЛЛА ТАШАББУСИ

Унда юз мингдан ортиқ бола қатнашяпти

Миллий матбуот марказида «Футболмиз келажаги» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

— Қувончлиси шундаки, футболга қизиқиш маҳаллаларда ҳам ортиб бораёпти, — деди «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шухрат Жалилов. — Турнирда қатнашиш учун 8052 та маҳаллалардаги 9-14 ёшдаги ўсмирлардан 6653 та команда тузилди. Мусобақаларда юз мингдан ортиқ маҳалла болалари қатнашяпти. Футболни оммавийли-

мацион дастури билан ҳамкорликда ўтказиб боришга келишиб олинди. Бундан ташқари, ишчи гуруҳи тузилиб, футбол мусобақалари ўйинининг низоми ишлаб чиқилди. Ғолибларга эсдалик совғалари, кубоклар, медаллар, спорт кийимларини ажратиб масалалари ҳам ҳал этилди.

Шунингдек, анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди, бундай тадбирлар фақат шаҳарларни эмас, балки юрти-

Футбол



МИЛУТИНОВИЧ «РАЗВЕДКА»ГА ЧИҚДИ

Ушбу сатрлар битилган газета чоп этилмоқда бошлаган бир пайтда Абу-Дабида Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги баҳс повнига етмаган эди. Албатта, қарама-қарши фикрлар билдирилган ва талай башоратларга сабаб бўлган Жаҳон чемпиони Осиев китъаси Иккинчи саралаш босқичи футбол мутахассислари ва мухлисларига хали кўллаб тушғалар тақдим этади.

Айтиш мумкинки, бир кун муқаддам бўлиб ўтган Қатар—Уммон учрашувидаёқ қайсидир маънода бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Биринчи ҳулоса эса кўпинча алдамчи бўлади. Очиги, ҳар икки команда томошабинлар кутган ўйинни кўрсатолмади. Нафақат тактик, балки техник жиҳатдан ҳам анча паст савиядаги футбол намойиш этилди. Натижа ҳам ўзига яра-

ша — 0:0. Одатда бундай пайтда ҳимоя қизиги ва дарвозабон шаънига илиқ гаплар айтилади. Лекин умуман эсда қоларли ҳужумлар уюштирилмаган бўлса-чи? Ҳар ҳолда бу командалар Жаҳон чемпионатида бериладиган йўлланмага даъвогарлик қилолмасликлари аниқ, Кураш асосан Ўзбекистон, БАА ва Хитой миллий терма жамоалари ўртасида кечадиган кўринади.

Дарвоқе, биринчи турда «дам олган» хитойликлар мураббийи Милутинович фурсатдан фойдаланиб, ҳар икки учрашувни бевоқифа кузатди. Уйинлар унда қандай таассурот қолдирди, билмадик, нима бўлганда ҳам энди у ўз рақиблари ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилди. Демакки, ўз касбдошларига нисбатан бир қадар устуликка эришди. У бу имкониятдан қандай фойдаланади? Бу ёғи бошқа командалар, хусусан Ўзбекистон футболчиларига ҳам боғлиқ.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга — (ошириш вақти) — 21.00
Толширилди 23.00

Махсуслаш: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.